O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 19 MART ◆ SESHANBA ◆ №34-35 (26.894)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 март куни Оқсаройда Туркия Республикаси Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Ҳусайн Қиврик ўғлини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар тўғрисида сўз борди. Томонлар Афғонистонда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, минтақавий ва халқаро хавфсизликка оид, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Ҳусайн Қиврик ўғли раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан музокара ўтказди.

Учрашувда томонлар ҳарбий-техникавий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокара якунида Ўзбекистонга Туркия томонидан бериладиган беғараз ёрдам тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Туркия Қуролли кучлари Бош штаби делегацияси Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан ҳам музокара ўтказди.

■ (ЎзА)

БЕРЛИНДА ЎЗБЕК МАҚОМЛАРИ ЯНГРАДИ

Берлиндаги «Дунё маданиятлари уйи»да «Буюк ипак йўли» халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг концерти бўлиб ўтди. Маълумки, ушбу фестиваль қадим ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатлар ва халқларнинг мусиқа санъатига бағишланган халқаро анжумандир.

Тадбирни очар экан, «Дунё маданиятлари уйи» директори Ханс-Георг Кнопп М.Йўлчиеванинг ўзбек мақомлари ва катта ашулаларни маҳорат билан, маромига етказиб куйлашини қайд этиши баробарида санъаткоримиз ижросидаги ашулаларда ўзбек халқининг кўп асрлик мусиқа маданияти ва мероси анъаналари ўзининг ёрқин ифодасини топишини алоҳида таъкидлади.

— Буюк ипак йўли чорраҳасида яратилган ушбу ноёб маданият ҳозирги кунга қадар хорижий мамлакатларнинг етакчи тадқиқотчилари ва санъатшуносларининг эътиборини ўзига жалб этиб келади, — деди Х.Г.Кнопп.

Концертда Алишер Навоий, Бобур, Мукимий, Машраб ғазаллари билан «Сувора», «Ушшоқ», «Тановар» ва бошқа қатор мумтоз ашулаларимиз ўзига хос, катта маҳорат билан ижро этилди. Улар ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмади, аксинча буюк Шарқ қўшиқчилиги тўпланганларнинг барчасини ўзига асир қилди.

М. Йўлчиеванинг Берлинда ижро этган қўшиқларига иқтидорли ўзбек раққосаси С.Қаҳҳорованинг жозибали рақслари мисли узукка кўз қўйгандек ярашиб турди.

«ЧИМИЛДИҚ» ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Шу йил 26 март — 1 апрель кунлари Японияда «Биринчи Ўзбекистон кинофестивали» бўлиб ўтади. Унда таниқли кинорежиссёр Ю.Розиқов бошчилигидаги ўзбек кино усталарининг делегацияси ҳам иштирок этади.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси томонидан Япон жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилмоқда. Айни пайтда фестивални юқори савияда ва муваффақиятли ўтказиш мақсадида тузилган махсус ишчи гуруҳи самарали фаолият олиб бораётир.

Кинофестиваль мамлакат пойтахтидаги Киноакадемия ҳамда Япон жамғармасида бошланиб, сўнгра Маебаши шаҳрида (Гунма префектураси) давом этади.

Фестиваль давомида режиссёрлар Ю.Розиқов, З.Мусоқов ҳамда М.Абзаловларнинг бир неча маротаба халқаро мукофотларга сазовор бўлган «Воиз», «Аёллар салтанати», «Ойижон», «Кичкина табиб» ва «Чимилдиқ» номли фильмлари киномухлислар эътиборига ҳавола этилади. Маълумки, бир неча йил бурун японияликлар кинорежиссёр З.Мусоқовнинг «Абдуллажон» ҳамда «Яратганга шукур» номли асарларини зўр қизиқиш билан томоша қилишган эди.

Қайд этиш жоизки, «Ойижон» ва «Яратганга шукур» фильмлари Японияннинг «NHK» компанияси билан ҳамкорликда суратга олинган.

■ «Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ

ЖАҲОН МАТБУОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ САФАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 11-14 март кунлари АҚШга қилган расмий сафари жаҳоннинг турли мамлакатлари давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослари ва журналистларининг диққат марказида бўлди. Эълон қилинган мақолалар ва шарҳларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги етакчи мавқеи, расмий сафар доирасида бўлиб ўтган учрашувлар ва имзоланган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти кенг таҳлил қилинди.

Табиийки, кўплаб нашрлар Ислом Каримовнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан «Оқ уйда» бўлиб ўтган учрашувига алоҳида эътибор қаратди. Очиқлик, ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтган бу учрашув давомида икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, аксилтеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон давлат раҳбарининг расмий сафарини кенг ёритган **«Вашингтон пост»** газетаси бу ҳақда шундай деб ёзди: **«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кеча «Оқ уй»да Президент Жорж Буш билан учрашди. Учрашув давомида АҚШ Президенти Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовга Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш даги фаол иштироки учун ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди. 2001 йили 11 сентябрь кунидаги мудҳиш воқеалардан сўнг Ўзбекистон АҚШга ўз ҳарбий аэродромидан гуманитар мақсадларда фойдаланишга рухсат бериб, ўзининг терроризмга қарши курашда қатъиятли эканлигини кўрсатди».**

АҚШнинг **«Ассошиэйтед пресс»** агентлиги эса «АҚШ Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш тарафдори» деб номланган мақоласида шундай фикр билдиради: **«Терроризмга қарши курашда АҚШга энг муҳим ёрдам берган Ўзбекистоннинг расмий ҳайъати музокаралар давомида бир қатор битимларга имзо чекди. Уларнинг барчаси иқтисодиёт ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади».**

Музокаралар якунида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ҳамда илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги, ядро тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳам АҚШ давлат ва жамоат арбоблари томонидан муҳим аҳамиятга молик воқеа сифатида юксак баҳоланди.

«Ассошиэйтед пресс» агентлиги сафар давомида томонлар ўртасида имзоланган ҳужжатларга АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл сўзи билан шундай таъриф берди: **«АҚШ давлат котиби имзо чекилган ҳужжатлар икки мамлакатнинг кенг ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилаётганлигига далил бўла олади, деб таъкидлади».**

Албатта, имзоланган ҳужжатлар орасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация алоҳида ўрин тутади. Унда икки мамлакат ўртасидаги кенг миқёсли ҳамкорлик алоқаларининг бугуни ва истиқболи акс этган. Америка Қўшма Штатларининг энг йирик ахборот агентликларидан бири — **ЮСИА** бу ҳужжатни **«сиёсий стратегик пакт»,** деб баҳолади. Ушбу декларацияда икки давлатнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, инсонпарварлик ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олганлигини **ЮСИА** агентлиги алоҳида қайд этади.

Ўзбекистон давлат раҳбарининг АҚШ сафари доирасида бўлиб ўтган музокараларда халқаро терроризмга қарши кураш масалалари чуқур муҳокама қилинди. Томонлар XXI аср «вабоси»га қарши кураш бир мамлакатнинг иши эмас, балки барча тинчликпарвар давлатларнинг муқаддас бурчи эканлигини ва бу бурчни бажаришда ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини қайд этдилар. Жумладан, канзаслик сенатор Сэм Браунбек минтақада тинчликни сақлаш учун АҚШ Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳаракатларини мувофиқлаштириши зарур, деб таъкидлади. Россия матбуоти ҳам мамлакатимиз раҳбари сафарини катта қизиқиш билан кузатиб борди. Бир қатор газеталар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ҳақида холисона шарҳлар эълон қилди. Жумладан, «Коммерсант» газетасида шундай фикрларни ўқиймиз: **«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга сафари натижаларидан энг муҳими — АҚШ томонидан Ўзбекистоннинг стратегик шерик сифатида тан олиниши бўлди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация буни тасдиклайди. Ушбу декларацияда Ўзбекистон АҚШнинг асосий ҳамкори деб эътироф этилган».**

Россиянинг яна бир нашри — **«Независимая газета»** «Вашингтон ўз иттифоқдошларини қадрлашни билади» номли мақоласида **«Ўзбекистон Президентининг АҚШга сафарига катта умид боғланган эди ва сафар натижалари шу умидлар рўёбга чиққанини тўла тасдиклади»,** деб ёзади.

Расмий ташриф давомида сиёсат арбоблари ва нуфузли оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон шаънига билдирилган самимий сўзлар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг эътирофидир.

■ Ҳошимжон МУРОДОВ

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВ УЧУН МИННАТДОРЛИК

Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан ҳозир сифат жиҳатидан янги муносабатларни бошдан кечирмоқда, деб ҳисобламоқда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евросиё ишлари бўйича ўринбосари Бет Жонс.

12 март куни Вашингтонда бўлиб ўтган Америка — Ўзбек савдо палатасининг мажлисида Қўшма Штатлар Нью-Йорк, Вашингтон ва Пенсильванияда 11 сентябрь куни рўй берган террорчилик ҳуружларидан сўнг «яқин ҳамкорлик ва қатъий қўллаб-қувватлагани учун» Ўзбекистондан миннатдор, деди Жонс хоним. Бошқа минтақаларда барқарорлик бўлсагина Афғонистонда барқарорликка эришиш мумкин, шу боис «биз барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати билан яқин ҳамкорлик қилаяпмиз», деб таъкидлади.

Сармоядорлар фаолият кўрсатиш учун уларни қизиқтираётган мамлакатда барқарор шарт-шароитлар бўлиши зарур, деб айтди у. Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ана шундай шароитлар яратишига ишонамиз.

Давлат котиби ўринбосарининг сўзларига кўра, И.Каримов Буш ва Оқ уй маъмуриятининг бошқа юксак мартабали вакиллари билан ажойиб учрашувлар ўтказди, дейилади **АҚШ Давлат департаменти Халқаро ахборот дастурлари офиси тарқатган ахборотномада.** Канзаслик республикачи-сенатор Сэм Браунбек бундан буён террорга қарши курашда Ўзбекистон АҚШнинг яқин ҳамкори бўлиб қолишини билдирди. Дарвоқе, у сенатда Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ишлари бўйича кичик қўмита раҳбари, Марказий Осиёда Америка сармояларини минтақага рағбатлантирувчи «Ипак йўли стратегияси тўғрисидаги қонун» ташаббускори ҳисобланади.

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ЗАРАФШОН ТАҚИНЧОҚЛАРИГА ХОРИЖЛИКЛАР МАҲЛИЁ

Юртбошимиз ўтган йил мартда Зарафшондаги «Агама» ва «Зариспарк» қўшма корхоналари иши билан танишганди. Ўшанда Президентимиз мазкур корхоналар ўз дизайнларини янада такомиллаштириши, трикотаж буюмларни ҳамда тилла тақинчоқларнинг экспортбоп турларини янада кўпайтириш зарурлигини алоҳида уқтирганди. Хўш, Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли бу икки корхонанинг ишлари энди қандай? Бу саволга бир сўз билан чаккимас, дея жавоб бериш мумкин. «Агама» ўтган йили 850 миллион сўмлик трикотаж буюмларини, «Зариспарк» эса қарийб 1 миллиард сўмлик тилла зиракларни дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилди. Заргарлик корхонасининг, айниқса, никоҳ узуклари, билакузуклар, бўйинга тақиладиган тақинчоқлар, у ёки бу турдаги сирғалар экспорт салоҳияти учун жуда қўл келмоқда.

«Зариспарк» зираклари айни кезда нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари балки, Эрон, Туркия, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистонигача етиб борди. Юздан ортиқ турдаги энг харидоргир ва замонавий тилла тақинчоқларнинг яна бир муҳим жиҳати Мурунтовнинг энг сара олтинидан тайёрланаётганидир.

— Ҳали булар ишнинг бошланиши холос, — дейди тоғ металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Кучерский. — Келгусида «Зариспарк» зиракларнинг тури ошибгина қолмай, унинг сифати, пишиқ-пухталиги бундан ҳам яхшиланади. Ана ўшанда чет эл валютаси тушуми икки ҳисса ортади.

■ Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТОШКЕНТНИНГ КУМУШ КАМАРИ

ЁКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ УЧУН АСОСИЙ ОБИҲАЁТ МАНБАИ ҲИСОБЛАНГАН БЎЗСУВ КАНАЛИГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

Қанийди, кўҳна Шошнинг — Тошкентнинг кўркига кўрк, чиройига чирой, файзига файз қўшиб турган Бўзсув — Анҳорни сўзлатиб бўлса. У ўзи кўрган, гувоҳи бўлган, не-не воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қиларди. Асрлар оша Тошкент вилояти ва шаҳрига обиҳаёт улашиб келаётган бу канал бошидан кўп савдолар ўтган. Бу алоҳида мавзу албатта.

Анҳор бўйларида кўп жангу жадаллар бўлган, Анҳор кўприклари кўп яхши-ёмонларни, оғир-енгил юкларни кўтарган. Бу кўприклардан кимлар ўтмаган дейсиз, бу кўприклар алғов-далғовли кунларни кўп кўрган. Лекин ҳозир гап бу ҳақда ҳам эмас.

Агар Бўзсувнинг — Анҳорнинг тили бўлганида у ўзининг ҳозирги аҳволини айтиб бўзлар, яхши одамлардан нажот сўрармиди. Тоғдаги оппоқ қорлардан, булоқлару жилғалардан ҳосил бўлган Чорвоқ денгизининг суви кўм-кўк, мовийдан мовий. Ана шу денгизнинг тип-тиниқ суви Тошкентга етиб келгунча ранги ўзгаргандан ўзгариб, тамомила бошқа тусга киради.

Бўзсув йўл-йўлакай ўнлаб ирмоқларга бўлиниб, катта-кичик ариқларга айланиб далаларга обиҳаёт ато этади. Афсуски, табиатнинг бизга инъом этган бу бебаҳо бойлигига ўта лоқайд муносабатда бўлаяпмиз, унинг қадрига етмаяпмиз. Мақолами мавзуси шу ҳақда.

Манбаларга қараганда, Тошкент аҳолисининг асосий қисми XX асрнинг 30-йилларига қадар истеъмол учун ярақли сувни ариқ ва ҳовузлардан олишган. Шаҳарнинг бадавлат аҳли эса Чимкент йўли атрофида жойлашган Головачев булоғидан сув сотиб олганлар. Аммо ўша даврларда истеъмол суви жуда қимматлиги боис, уни харид қилишга барчанинг ҳам қурби етмаган. 1909 йилда «ДЕ Пантиотти ва К°» хусусий ширкати шаҳарнинг Салор торқўчасида сувқўтаргич мосламаси ҳамда артезиан қудуғини қуради.

Бу тафсилотларни баён қилишдан мақсад нима? Сув ҳаёт, тириклик манбаидир. Тошкент шаҳри — Сирдарёнинг ўнг ирмоғи бўлмиш Чирчиқ дарёси бош ўзанида жойлашган. Чирчиқ эса Тянь-Шань тоғ тизмаларининг ғарбий ёнбағирларидан бошланиб, Псков ва Чотқол дарёлари қўшилиши натижасида вужудга келади. Дарё узунлиги — 174 километр бўлиб, сув ҳавзасининг майдони — 142,4 минг квадрат метрни ташкил қилади. Угом ва Оқсоқота дарёни сув билан таъминловчи асосий ирмоқлардир.

Чирчиқ суви май ойидан то июнь ойининг ўрталаригача Сирдарёга қуйилади. Йилнинг асосий даврида обҳаётнинг деярли кўп қисми энергетика ва 45 та ирригация каналлари орқали суғориш эҳтиёжларини қондириш учун сарфланади.

Тошкент шаҳар сув тармоқларининг аксарияти минг йиллар аввал бунёд этилган ирригация каналларидан иборат бўлиб, шу кеча-кундузда улар 107 тани ташкил этади. Шаҳарнинг бош сув «артерияси» — Бўзсув ариғидир. Чирчиқ шаҳрининг юқори қисмидан бошланадиган Бўзсув дарёси шаҳар атрофидаги туманлар учун табиий сув манбаи ҳисобланади. Бўзсувнинг ўртача сув сарфиёти 100 м³/секундни ташкил этиб, магистраль суғориш қаналлари билан биргаликда шаҳарнинг бош суғориш тармоғини вужудга келтиради. Қибрай тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув ва Ялангоч каналлари унинг асосий ирмоқлари. Бу каналларнинг кичик шаҳобчалари Тошкентнинг жанубий ҳамда шарқий қисмини обиҳаёт билан таъминлайди.

Бўзсувнинг йирик тармоқларидан бири — Салор сувини билмайдиган киши бўлмаса керак. У Кайковус, Жангоҳ, Қичқириқ, Кўкча, Чиғатой каби сув манбаларини ўз ичига олади. Шаҳарнинг «Ўзбекистон» кўчасидан оқиб ўтувчи Анҳор «Ўзгариш» даҳасида Салор канали билан қўшилади. Қичқириқ ариғининг қуйи оқимлари бўлмиш Қорақамиш ва Дамаши ариқлари эса пойтахтнинг шимоли-ғарбига томон чўзилган. Айрим каналлар фақат оқова сувларидан иборат бўлганлиги боис, уларга «оқова» сўзи қўшиб айтилади. Чорсу, Зах, Чукур ана шулар жумласидандир.

(Давоми 4-бетда).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 11-14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди ва Президент Жорж Буш ҳамда бошқа расмий кишилар билан учрашди.

Ташриф мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида Ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия соҳаларига оид қатор ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифини халқимиз катта қизиқиш билан кузатиб турди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам ташриф натижалари ва аҳамиятини батафсил ёритиб борди. Бинобарин, халқаро муносабатлар тарихида чуқур из қолдирган бу ташриф ҳақида ҳали кўп ёзилиши, турли-туман муносабатлар билдирилиши табиий.

Қуйида сиёсий шарҳловчимиз Ҳайдарали ЮНУСОВнинг ташриф натижалари ва аҳамияти ҳақидаги мақоласи билан танишасиз.

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ

XX аср охирларига келиб глобаллашув дунёнинг барча халқларини ўз «домига» тортди. Мамлакатлараро, халқаро алоқаларнинг жипслашуви ва кучайиши бу жараённинг муҳим белгиларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг янада тез суръатлар билан ривожланиши табиийдек туюлади. Бироқ, мустақил Ўзбекистон ва АҚШ давлатлари орасидаги алоқалар ривожи бир қатор ўзига хосликларни намоён этади. Бу алоқаларни ўз тадрижига кўра, икки босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991 йилдан 2001 йил 11 сентябргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий ва ташкилий негизлари яратилди. АҚШ биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 19 февралда томонлар орасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 16 март куни АҚШнинг Ўзбекистонда элчихонаси очилди. Бу айни пайтда мамлакатимизда иш бошлаган биринчи хорижий давлат элчихонаси эди. Шундан сўнг юртимизга АҚШ маъмурияти ва ишбилармон доираларининг кетма-кет расмий ташрифлари бошланди. Бу ёш республикамизга нисбатан Америка жамоатчилигининг қизиқиши ортиб бораётганлигидан далолат берарди. Олий мақомдаги бундай ташрифлар доирасига ўша пайтдаги АҚШ давлат Котиби М. Олбрайт (2000 йил апрель), АҚШ мудофаа вазири У. Перри (1995 йил апрель), АҚШ президенти маслаҳатчиси Р. Морнингстар (1997 йил июнь), АҚШ давлат Котиби ўринбосари Р.Рафел (1997 йил февраль), АҚШнинг НАТО ташкилотидаги доимий вакили — элчи Р.Хантер (1996 йил апрель), АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Б. Ричардсон (1997 йил август), АҚШ губернаторлари Р. Ромер, М. Касл (1991 йил ноябрь), конгрессменлар Д. Консини (1992 йил апрель), Б.Арчел (1997 йил май), Ж.Соломон (1997 йил ноябрь), Р. Ливингстон (1998 йил апрель), С. Броунбек (1998 йил апрель), Р. Шилби (1998 йил ноябрь) бошчилигидаги Конгресс делегациялари, АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Э. Р. Майерс, сенаторлар Т.Дэшл (2002 йил январь), К. Левин, К.Уорнер (2001 йил ноябрь), Ж. Либерман, К. Маккейн, Ч. Хегель (2002 йил январь), конгрессменлар Ж.Колби, Э.Тонер, Давлат котиби ўринбосари Э. Жоунс (2002 йил январь) ва бошқа юқори мартабали кишилар махсус вазифалар билан мамлакатимизга келдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов бошчилигидаги ўзбек делегацияси ўтган йил 26-30 ноябрь кунлари Вашингтонга ташриф буюриб, бу ташриф давомида АҚШнинг юқори давлат идоралари раҳбарлари билан ўзаро маслаҳатлашув амалга оширилди. Маслаҳатлашув натижаларига тушган, АҚШда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларга ўзбек бозоридаги талабларни ҳисобга олсак, икки мамлакат орасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари табиий зарурият эканлиги маълум бўлади. Ана шундай ҳаётий зарурият тақозоси билан АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари ривожи бир муддат тўхтаган эмас. Иқтисоднинг энг муҳим тармоқларига АҚШ сармоялари тўхтовсиз оқиб келмоқда ва бунинг учун ҳукуматимиз томонидан имтиёзли шароитлар яратилган. Ҳозирги пайтга келиб республикамизда АҚШ сармоялари жалб этилган 305 та қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўзкейстрактор», «Ўз-Эксайд», «БиЭсАй»нинг Хўжаобод газ омбори қурилиши, «АББ Лummус Глобал» билан ҳамкорликдаги Шўртан газ-кимё комплекси АҚШ тадбиркорлари билан иқтисодий ҳамкорлигимиз самарасидир. Ўзбекистоннинг нуфузли банклари АҚШнинг йирик банклари билан алоқаларни йўлга қўйишга улгурган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан АҚШнинг Экспорт-Импорт банки ўртасида манфаатли шартномалар тузилган. Чунончи, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ҳамкорлик ришталари куртаклай бошлади. 1999 йил 13 августда ёш ўзбек фермерларининг бир гуруҳи АҚШда тажриба ўтаб қайтдилар ва ҳозирги кунда мазкур тажриба амалиётда бўлиб келмоқда.

Иқтисодий алоқалар ривожига назар ташлар эканмиз ўзаро ҳамкорлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олаётганининг шоҳиди бўламиз. Товар айрибошлаш ҳажми эса тобора ортиб бормоқда. Умуман олганда бугунги кунда Ўзбекистоннинг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси 300 млн. долларни ташкил этади. Бироқ, бу кўрсаткич иқтисодий ислоҳотлар шиддат билан давом этаётган Ўзбекистон истиқболи учун етарли эмас. Айниқса, мамлакатимизнинг чет эл сармояларини қабул қилиш имкониятлари чексиздир. И. Каримовнинг АҚШга ташрифи ана шу имкониятлар рўёби учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Оддийгина қишлоқ хўжалигини олиб қарасак, бу соҳада фермерлар мамлакати деб ном олган АҚШ(мамлакатда 22 млн. фермер хўжалиги мавжуд) юқори технология асосида ишлаб чиқаришнинг юксак намунасига эга. Аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ва яшаётган Ўзбекистон учун бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича АҚШ тажрибаларини жорий этиш муҳимдир. Шу боис, Президентимиз АҚШга ташрифи давомида биринчилардан бўлиб АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеманни қабул қилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди. Шу нуқтаи назардан, бу ташриф қишлоқдаги ҳар бир оддий ўзбек деҳқони учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий негизлари яратилди. АҚШ биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 19 февралда томонлар орасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 16 март куни АҚШнинг Ўзбекистонда элчихонаси очилди. Бу айни пайтда мамлакатимизда иш бошлаган биринчи хорижий давлат элчихонаси эди. Шундан сўнг юртимизга АҚШ маъмурияти ва ишбилармон доираларининг кетма-кет расмий ташрифлари бошланди. Бу ёш республикамизга нисбатан Америка жамоатчилигининг қизиқиши ортиб бораётганлигидан далолат берарди. Олий мақомдаги бундай ташрифлар доирасига ўша пайтдаги АҚШ давлат Котиби М. Олбрайт (2000 йил апрель), АҚШ мудофаа вазири У. Перри (1995 йил апрель), АҚШ президенти маслаҳатчиси Р. Морнингстар (1997 йил июнь), АҚШ давлат Котиби ўринбосари Р.Рафел (1997 йил февраль), АҚШнинг НАТО ташкилотидаги доимий вакили — элчи Р.Хантер (1996 йил апрель), АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Б. Ричардсон (1997 йил август), АҚШ губернаторлари Р. Ромер, М. Касл (1991 йил ноябрь), конгрессменлар Д. Консини (1992 йил апрель), Б.Арчел (1997 йил май), Ж.Соломон (1997 йил ноябрь), Р. Ливингстон (1998 йил апрель), С. Броунбек (1998 йил апрель), Р. Шилби (1998 йил ноябрь) бошчилигидаги Конгресс делегациялари, АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Э. Р. Майерс, сенаторлар Т.Дэшл (2002 йил январь), К. Левин, К.Уорнер (2001 йил ноябрь), Ж. Либерман, К. Маккейн, Ч. Хегель (2002 йил январь), конгрессменлар Ж.Колби, Э.Тонер, Давлат котиби ўринбосари Э. Жоунс (2002 йил январь) ва бошқа юқори мартабали кишилар махсус вазифалар билан мамлакатимизга келдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов бошчилигидаги ўзбек делегацияси ўтган йил 26-30 ноябрь кунлари Вашингтонга ташриф буюриб, бу ташриф давомида АҚШнинг юқори давлат идоралари раҳбарлари билан ўзаро маслаҳатлашув амалга оширилди. Маслаҳатлашув натижаларига тушган, АҚШда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларга ўзбек бозоридаги талабларни ҳисобга олсак, икки мамлакат орасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари табиий зарурият эканлиги маълум бўлади. Ана шундай ҳаётий зарурият тақозоси билан АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари ривожи бир муддат тўхтаган эмас. Иқтисоднинг энг муҳим тармоқларига АҚШ сармоялари тўхтовсиз оқиб келмоқда ва бунинг учун ҳукуматимиз томонидан имтиёзли шароитлар яратилган. Ҳозирги пайтга келиб республикамизда АҚШ сармоялари жалб этилган 305 та қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўзкейстрактор», «Ўз-Эксайд», «БиЭсАй»нинг Хўжаобод газ омбори қурилиши, «АББ Лummус Глобал» билан ҳамкорликдаги Шўртан газ-кимё комплекси АҚШ тадбиркорлари билан иқтисодий ҳамкорлигимиз самарасидир. Ўзбекистоннинг нуфузли банклари АҚШнинг йирик банклари билан алоқаларни йўлга қўйишга улгурган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан АҚШнинг Экспорт-Импорт банки ўртасида манфаатли шартномалар тузилган. Чунончи, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ҳамкорлик ришталари куртаклай бошлади. 1999 йил 13 августда ёш ўзбек фермерларининг бир гуруҳи АҚШда тажриба ўтаб қайтдилар ва ҳозирги кунда мазкур тажриба амалиётда бўлиб келмоқда.

Иқтисодий алоқалар ривожига назар ташлар эканмиз ўзаро ҳамкорлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олаётганининг шоҳиди бўламиз. Товар айрибошлаш ҳажми эса тобора ортиб бормоқда. Умуман олганда бугунги кунда Ўзбекистоннинг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси 300 млн. долларни ташкил этади. Бироқ, бу кўрсаткич иқтисодий ислоҳотлар шиддат билан давом этаётган Ўзбекистон истиқболи учун етарли эмас. Айниқса, мамлакатимизнинг чет эл сармояларини қабул қилиш имкониятлари чексиздир. И. Каримовнинг АҚШга ташрифи ана шу имкониятлар рўёби учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Оддийгина қишлоқ хўжалигини олиб қарасак, бу соҳада фермерлар мамлакати деб ном олган АҚШ(мамлакатда 22 млн. фермер хўжалиги мавжуд) юқори технология асосида ишлаб чиқаришнинг юксак намунасига эга. Аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ва яшаётган Ўзбекистон учун бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича АҚШ тажрибаларини жорий этиш муҳимдир. Шу боис, Президентимиз АҚШга ташрифи давомида биринчилардан бўлиб АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеманни қабул қилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди. Шу нуқтаи назардан, бу ташриф қишлоқдаги ҳар бир оддий ўзбек деҳқони учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир йўналиши молиявий ўзаро кўмаклашув соҳасидир. Аввало айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастури АҚШ маъмурияти томонидан юқори баҳоланган. Шахсан Президент Ж.Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти номига 8 декабрда йўллаган мактубида «Биз мамлакатингизнинг иқтисодий ислоҳотлар дастурини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу дастур Ўзбекистонда ишончли иқтисодий пойдевор барпо этишга ёрдам беради ва халқаро молия институтларининг кенг ва самарали ҳамкорлиги учун йўл очади», деб таъкидлади. Жумладан, 2001 йил 30 ноябрда имзоланган «Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум»да АҚШ ҳукумати «халқаро молия институтлари, бошқа донорларда мавжуд бўлган тегишли механизм ва воситалар доирасида Ўзбекистон Республикасига, биринчи навбатда ижтимоий ва молиявий барқарорликни ҳамда келгуси йилларда иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатдошликни таъминлашга қаратилган **ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам** кўрсатишни ривожлантириш» мажбуриятини олади. Шу ўринда бир ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб ўтиш керак. Қудратли давлат ёки халқаро молиявий ташкилотларнинг қатор ишбилармонлар ҳам мамлакатимизда бўлишди.

Ўз навбатида бундай ташрифлар Ўзбекистон томонидан жавобсиз қолмади. Ўзбекистон ташқи сиёсатида АҚШга нисбатан алоҳида эътибор ҳамиша давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлган. Чунончи, Президентнинг АҚШга бир неча сафари (1996 йил июнь, 1999 йил апрель, 2000 йил сентябрь) ўзаро алоқалар ривожи учун муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қ. Гуломов (2000 йил ноябрь), Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов (2001 йил июнь), Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази директори А. Саидов ва Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари О. Дўсжоновдан иборат гуруҳ ҳам (1999 йил ноябрь) АҚШга ташриф буюрди. Мана шундай амалий мулоқотлар натижаси ўлароқ, икки мамлакат ўртасида иқтисодий, ҳарбий-техникавий, фан ва таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб борди. Шундай бўлса-да, биринчи босқичда томонлар **иқтисодий** тенг манфаатли ҳамкорликка асосий эътиборни қаратдилар. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўз-Эксайд» каби йирик корхоналарнинг барпо этилиши фикримиз далилидир.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари халқаро алоқалар тизимига кучли таъсир этди. Дунёнинг энг илғор давлатлари халқаро терроризмга қарши курашда халқаро аксилтеррор коалицияга бирлашдилар. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам бу борада ўзининг аниқ ва мустаҳкам муносабатини дадил ифода этди. Ҳолбуки, унга қадар ҳам Юртбошимиз фалокат олдини олиш борасида бир неча амалий таклифлар билан майдонга чиққан эди. 2001 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШ давлати раҳбари Ж.Буш билан бўлган телефон орқали мулоқотда халқимизнинг терроризмга бўлган муносабатини яна бир карра таъкидлади. **Айнан шу вақтдан бошлаб АҚШ — Ўзбекистон муносабатларининг иккинчи босқичи бошланди**, дейиш мумкин. Бу босқич ўзбек — америка муносабатларининг кескин ижобий ўзгариши билан характерланади. Шунингдек, очиғини айтиш керакки, бу босқичнинг бошланишига Ўзбекистон раҳбарининг узоқни кўра олиш салоҳияти, собитқадамлиги ва матонати, бир сўз билан айтганда, жасорати сабаб бўлди. Орадан кўп ўтмай юртимизга АҚШ давлатининг юқори доирадаги расмий делегациялари ташриф буюрдилар. Роят қисқа вақт ичида АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелд (2001 йил октябрь), АҚШ Давлат котиби К. Поуэлл (2001 йил декабрь), АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари О. Дўсжоновдан иборат гуруҳ ҳам (1999 йил ноябрь) АҚШга ташриф буюрди. Мана шундай амалий мулоқотлар натижаси ўлароқ, икки мамлакат ўртасида иқтисодий, ҳарбий-техникавий, фан ва таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб борди. Шундай бўлса-да, биринчи босқичда томонлар **иқтисодий** тенг манфаатли ҳамкорликка асосий эътиборни қаратдилар. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўз-Эксайд» каби йирик корхоналарнинг барпо этилиши фикримиз далилидир.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари халқаро алоқалар тизимига кучли таъсир этди. Дунёнинг энг

Вашингтон кўчаларида

назарига тушган, АҚШда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларга ўзбек бозоридаги талабларни ҳисобга олсак, икки мамлакат орасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари табиий зарурият эканлиги маълум бўлади. Ана шундай ҳаётий зарурият тақозоси билан АҚШ — Ўзбекистон муносабатлари ривожи бир муддат тўхтаган эмас. Иқтисоднинг энг муҳим тармоқларига АҚШ сармоялари тўхтовсиз оқиб келмоқда ва бунинг учун ҳукуматимиз томонидан имтиёзли шароитлар яратилган. Ҳозирги пайтга келиб республикамизда АҚШ сармоялари жалб этилган 305 та қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўзкейстрактор», «Ўз-Эксайд», «БиЭсАй»нинг Хўжаобод газ омбори қурилиши, «АББ Лummус Глобал» билан ҳамкорликдаги Шўртан газ-кимё комплекси АҚШ тадбиркорлари билан иқтисодий ҳамкорлигимиз самарасидир. Ўзбекистоннинг нуфузли банклари АҚШнинг йирик банклари билан алоқаларни йўлга қўйишга улгурган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан АҚШнинг Экспорт-Импорт банки ўртасида манфаатли шартномалар тузилган. Чунончи, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ҳамкорлик ришталари куртаклай бошлади. 1999 йил 13 августда ёш ўзбек фермерларининг бир гуруҳи АҚШда тажриба ўтаб қайтдилар ва ҳозирги кунда мазкур тажриба амалиётда бўлиб келмоқда.

Иқтисодий алоқалар ривожига назар ташлар эканмиз ўзаро ҳамкорлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олаётганининг шоҳиди бўламиз. Товар айрибошлаш ҳажми эса тобора ортиб бормоқда. Умуман олганда бугунги кунда Ўзбекистоннинг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси 300 млн. долларни ташкил этади. Бироқ, бу кўрсаткич иқтисодий ислоҳотлар шиддат билан давом этаётган Ўзбекистон истиқболи учун етарли эмас. Айниқса, мамлакатимизнинг чет эл сармояларини қабул қилиш имкониятлари чексиздир. И. Каримовнинг АҚШга ташрифи ана шу имкониятлар рўёби учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Оддийгина қишлоқ хўжалигини олиб қарасак, бу соҳада фермерлар мамлакати деб ном олган АҚШ(мамлакатда 22 млн. фермер хўжалиги мавжуд) юқори технология асосида ишлаб чиқаришнинг юксак намунасига эга. Аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ва яшаётган Ўзбекистон учун бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича АҚШ тажрибаларини жорий этиш муҳимдир. Шу боис, Президентимиз АҚШга ташрифи давомида биринчилардан бўлиб АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеманни қабул қилди ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди. Шу нуқтаи назардан, бу ташриф қишлоқдаги ҳар бир оддий ўзбек деҳқони учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир йўналиши молиявий ўзаро кўмаклашув соҳасидир. Аввало айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастури АҚШ маъмурияти томонидан юқори баҳоланган. Шахсан Президент Ж.Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти номига 8 декабрда йўллаган мактубида «Биз мамлакатингизнинг иқтисодий ислоҳотлар дастурини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу дастур Ўзбекистонда ишончли иқтисодий пойдевор барпо этишга ёрдам беради ва халқаро молия институтларининг кенг ва самарали ҳамкорлиги учун йўл очади», деб таъкидлади. Жумладан, 2001 йил 30 ноябрда имзоланган «Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум»да АҚШ ҳукумати «халқаро молия институтлари, бошқа донорларда мавжуд бўлган тегишли механизм ва воситалар доирасида Ўзбекистон Республикасига, биринчи навбатда ижтимоий ва молиявий барқарорликни ҳамда келгуси йилларда иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатдошликни таъминлашга қаратилган **ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам** кўрсатишни ривожлантириш» мажбуриятини олади. Шу ўринда бир ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб ўтиш керак. Қудратли давлат ёки халқаро молиявий ташкилотларнинг қўмагисиз ёш давлатларнинг иқтисодий гуркираб кетиши амри маҳол. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисоди тамомила вайрон бўлган Европа давлатлари ва Япония АҚШнинг «Маршалл плани» асосидаги молиявий ёрдами билан оёққа турди. Ёки Малайзия, Филиппин, Индонезия ва бошқа Жануби-Шарқий Осиё давлатлари иқтисодининг юксалиши маълум маънода халқаро молиявий институтлар ёрдами ва АҚШ сармояларининг минтақага кириб бориши билан изоҳланади. Шундай экан, АҚШдек қудратли давлатнинг кўмаги Ўзбекистон учун айни муддаодир. И. Каримовнинг АҚШ молия вазири Пол О`Нил билан бўлган учрашуви АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланди. Вашингтон маъмурияти бу йил Ўзбекистонга 160 млн. доллар маблағ ажратилганини маълум қилди ва яна таъкидландики, АҚШнинг молиявий ёрдами келажакда давом этаверади. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни очиқ айтиш ўринлидир. Бугун АҚШ давлати халқаро молия институтлари ва кучли иқтисодий уюшмаларга ўз таъсирини ўтказа олади. Бу сир эмас. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташрифи нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида, балки республикамизнинг халқаро молия институтлари — Жаҳон банки, Халқаро Валюта Жамғармаси, «Катта Еттилик» билан муносабатларида ҳам туб ижобий бурилиш ясайди.

(Давоми бор).

ТАШРИФНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда АҚШ дунёнинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлати сифатида эътироф этилиб, жаҳон савдо айланмасида салкам чорак улуш билан пешқадамлик қилмоқда.

Бу даражадаги юксак тараққиёт манбаи эса америкача ишбилармонлик ва юқори технологиядир. Айни пайтда Ўзбекистон ҳам улкан иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Ўзининг табиий заҳиралари, малакали ишчи кучи ва юқори даражадаги ақлий салоҳияти билан юртимиз аллақачон Америка тадбиркорларининг

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

2002 йилнинг 16 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши аъзоларидан ташқари, ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят партия кенгашларининг, партия марказий сайланма органлари аъзолари бўлмаган котиблари, Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг айрим аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоятидаги шаҳар ҳамда туман кенгашлари биринчи котиблари, партия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Пленумда «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг янги босқичидаги вазифалари тўғрисида», «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи», «Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот», «Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури ҳақида», «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан вазифалари ҳақида», «Ўзбекистон ХДПнинг 2001 йилдаги молиявий ҳисоботи ва 2002 йилга партия бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги масалалар кўрилди. Улар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди. У пленум иштирокчилари эътиборини, асосан, қуйидагиларга қаратди:

Маърузачи ўз сўзида, авваламбор, XXI асрнинг илк поғонаси — 2001 йилнинг 11 сентябрида террорчилар томонидан Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган ёвузликлар ҳамда халқаро терроризмнинг Афғонистондаги уялари, шунингдек, унинг суянчиғи — толиблар ҳокимияти, аксилтеррор иттифоқининг қатъий кураши натижасида тор-мор қилиниши туфайли бутун **дунёда, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида янги сиёсий иқлим юзага келганлигини** қайд қилиб ўтди. Эътиборли жойи шундаки, аксилтеррор альянсининг саъй-ҳаракатларини биринчилар қатори қўллаб-қувватлаган ва унга фаол кўмаклашган Ўзбекистоннинг давлат чегаралари ва миллий хавфсизлиги мустаҳкамланиб, унинг халқаро майдондаги обрўйи янада ошди, Ғарб давлатларининг унга муносабати ўзгарди. Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 11-14 март кунлари АҚШга расмий ташрифи ҳамда Юртбошимизнинг Президент Жорж Буш билан самарали музокаралари натижасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шерикчилик ва ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши шундан далолат беради.

Партиямиз Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбариятининг халқаро терроризмга қарши курашга қаратилган сиёсати ва амалий ишларини Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг махсус Баёнотида тўла қўллаб-қувватлади. Чунки, бу йўл миллий манфаатларимизга мосдир.

Ортда қолган йил биз учун **Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланиши** билан ҳам аҳамиятлидир. Тарих учун қисқа шу муддатда миллий мустақиллигимиз мустаҳкамланиши билан бир қаторда, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар ўзанида жамиятни демократиялаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришнинг янги босқичи учун тегишли замин яратилди. 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари, яъни мамлакатимиз парламентини икки палатадан иборат этиб сайлаш ва Республика Президентининг конституциявий ваколатлари муддатини беш йилдан етти йилгача узайтириш тўғрисидаги таклифларнинг унда қўллаб-қувватланиши ушбу босқич томон қўйилган дастлабки муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришларда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон ХДП ҳам яқинда ўзи ташкил топганлигининг ўн йиллигини нишонлади. Ўтган давр, мустақил давлатимиз каби, партиямиз учун ҳам ўзлигини англаш, янги сиёсий ташкилот сифатида шаклланиш, сиёсий фаолиятнинг демократик тамойилларини ўзлаштириш, жамиятда ўз ўрнини топиш йиллари бўлди. Ташкилотларимиз, фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида **Ўзбекистон ХДП мамлакатимиздаги нуфузли сиёсий партиялардан бирига айланди.** Ташкилотимизнинг энг асосий хусусиятларидан бири шуки, у мамлакатда мустақиллик туфайли юзага келган янги ижтимоий-сиёсий вазиятда, **парламент хилидаги партия** сифатида майдонга чиқди ва бу соҳада муайян тажриба ҳам тўплади.

Биз мана шу тажрибага таяниб, мамлакатимиздаги демократик тараққиётнинг янги босқичида **партиямиз парламентчилик фаолиятини янги поғонага кўтаришга** даъват этилганмиз. Зотан, партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси парламент ислоҳоти билан боғлиқ конунчилик тизимини яратиш ишида фаол иштирок этмоғи лозим. Чунончи, у Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир Олий Мажлиснинг VIII сессиясида кўрилиши мўлжалланаётган, қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси лойиҳасига киритиш учун аниқ таклифларни тайёрлаб, парламентнинг тегишли тузилмаларига тақдим этиши зарур. Бунда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги, давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш тизимидаги ўрни, сиёсий партия фракцияси (гуруҳлари)нинг давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги ҳуқуқий мақомини демократик тамойилларга монанд тарзда, аниқ белгилаш, давлат ҳокимиятини унинг қуйи бўғинларида ҳам бўлинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқ талаб этилади.

Шу билан бирга, фракциямиздан жорий ишларга ҳам эътиборни сусайтирмаслик талаб қилинади. Чунончи, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги партиямизнинг Дастурида катта ўрин эгаллаган масалаларга оид мавжуд қонун ва давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўшаётган ҳиссани ошириш лозим. Аҳолини, хусусан ёшларни, иш билан таъминлаш борасида кўрилаётган чораларнинг таъсирчанлиги, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги ва бошқа қонунларнинг жойларда бажарилишининг аҳволи каби кўплаб масалалар депутатларимизнинг доимий диққат марказида бўлмоғи керак.

Маърузада партия тузилмаларининг бўлажак парламент ислоҳоти жараёнида **Олий Мажлис қуйи палатасининг профессионал негизда ташкил топишидан келиб чиқадиган вазифаларига** жиддий эътибор қаратилди. Маълумки, Олий Мажлисдаги ҳозирги депутатларимиз жамоаси, асосан, халқ хўжалигининг турли соҳаларида муқим ишлаётган, юқори малакали мутахассислар, ташкилотчи-раҳбарлардан ташкил топган. Янги парламент қуйи палатаси аъзолари эса, сайловдан сайловгача муддатда қонунчилик ишлари билан, депутатликка сайлангунгача кўрсатиб келган фаолиятларидан ажралган ҳолда, мунтазам шуғулланадиган сиёсатчилар бўлмоқлари шарт. Демак, биз партия фаоллари ва тарафдорлари билан ишлашни тубдан яхшилашимиз керак.

Пленум кун тартибидан жой олган **Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури** масаласи ҳам партиянинг парламентчилик фаолияти билан боғлиқ. Зеро, унда илгари сурилган ғоялар, сиёсий вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан депутатларимизнинг саъй-ҳаракатларига бориб тақалади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бутун дунё учун ҳам, Орол фожиаси рўй берган Марказий Осиё минтақаси ва бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ўта долзарб бўлиб турган ҳозирги кунда партиямизнинг бу соҳадаги фаолиятини кескин жонлантириш талаб қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, МК Котибиятининг 2000 йил 26 декабрдаги қарори билан партиянинг Экологик дастурини ишлаб чиқишга киришилди ва унинг лойиҳаси, МК Сиёсий ижроқўмида кўрилганидан сўнг умумпартия муҳокамасига қўйилди. Муҳокамалар давомида т

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК IV ПЛЕНУМИДАН

ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА ПАРТИЯ ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, ХДП ўзининг ўн йиллик тарихи давомида ўз дастурий ғояларини кенг тарғиб қилишда фойдаланаётган бу соҳада ҳам муайян тажриба орттирди. Бироқ, ҳаёт ҳозирги янги сиёсий вазиятда партиянинг мафкуравий фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлишини тақозо этмоқда. Маърузада бу соҳадаги асосий вазифалар сирасига, энг аввало, партиямизнинг ғоявий-назарий фаолиятини янада жонлантириш, хусусан, унинг дастурий ҳужжатлари масаласига янгича ёндашиб, ХДПнинг, умумий дастури билан бир қаторда, сайловолди сиёсий ҳужжати ва амалий ҳаракатлари дастурини ишлаб чиқиш лозимлиги асослаб берилди. Мафкуравий ишнинг иккинчи йўналишига мамлакат ички ва ташқи сиёсатига доир долзарб масалалар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг фаолияти юзасидан партиянинг нуқтаи-назарини ишлаб чиқиш, сиёсий рақибларнинг ушбу масалаларга оид қарашларига муносабат билдириш, партия парламентчилик ишининг стратегия ва тактикасини шакллантириш ва қатор бошқа вазифалар киради.

Мафкуравий ишлар соҳадаги учинчи йўналиш — партиянинг дастурий ғоя ва шиорларини аҳоли турли қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, жамиятда олиб борилаётган сиёсий ҳамда ҳуқуқий-маърифий ишларда иштирок этиш. Шу ўринда, ташкилотларимизнинг **Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишда фаол қатнашишлари** алоҳида аҳамият касб этади.

Ва, ниҳоят, мафкуравий жабҳадаги яна бир муҳим вазифа — сафдошларимизда уларнинг Ўзбекистон ХДПга дахлдорликлари билан фахрланиш туйғусини ҳамда бунинг учун уларда шахсан масъулиятлилик ҳиссини шакллантиришга кўмаклашиш, партия аъзоларида аҳоли турли гуруҳлари орасида сиёсий-маърифий, тарғибий-ташвиқий, маънавий-маданий ишларни олиб бориш кўникмаси ҳосил бўлишини таъминлаш, партия ходимлари, барча фаолларининг малакаси ва сиёсий савиясини ошириш устида ишлашдан иборат.

Маърузада **партия матбуотининг партиявий мавзуларга ёндашуви ва партия ташкилотларининг партия матбуот нашрларига муносабати** таҳлил қилинди. Далиллар партия марказий нашрлари саҳифаларида ХДП ташкилотлари ҳаёти ва фаолиятини ёритиш етарлича эмаслигидан, айниқса, газеталаримиз ўз мухбирларининг бу масаладаги сусткашлигидан далолат берсалар, иккинчидан, маҳаллий партия ташкилотларининг уларга обунани уюштиришда жиддий камчиликларга йўл қўяётганлигини кўрсатади. Партия ташкилотларининг аксарияти, Гулистон, Зарафшон ва Тахиатош шаҳар ХДП кенгашлари бундан истисно, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига 2002 йил учун обуна мўлжалларини барбод қилди. Уларни айримларининг натижалари эса олдинги йил кўрсаткичларидан ҳам паст бўлди.

Биз, қарс икки қўлдан чиқади, деган нақлга амал қилиниб, партия ташкилотларининг матбуот нашрларимизга ҳар томонлама кўмакларини аямасликларини, улар эса, ўз навбатида, ташкилотларимиз фаолиятини ёритишни сон ва сифат жиҳатидан яхшилашларини истар эдик.

Вакиллик демократияси тизимида, бўлажак парламент ислоҳоти, пировардида, **сиёсий партияларнинг аҳамияти ошиши учун, даставвал, уларнинг ўзлари замон талабларига жавоб беришлари керак**.

Усиб-улғайиб, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан, ҳам шаклан, ҳам мазмунан такомиллашаётган Ўзбекистон ХДП тобора замонавий тус олмоқда. Марказий Кенгаш III пленумининг кўрсатмаси билан, МК Сиёсий ижроқўми ва Котибиятининг қарорларига мувофиқ партия ташкилотлари фаолиятини ҳозирги кун талабларига мослаштириш, партия кенгашлари аппарати тузилмаларини қайта ташкил этиш, уларнинг сарф-харажатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, бошланаётган парламент ислоҳоти талаблари нуқтаи назаридан, булар етарли эмас. Бошқача айтганда, **ХДП**нинг Ўзбекистондаги **сон жиҳатидан энг йирик, парламентда нуфузли фракцияга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида бошқа партияларга нисбатан энг кўп вакиллар эга, тузилмалари барча маъмурий худудларда фаолият кўрсатаётган ва** мамлакатимиз **ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини топаётган** жиддий сиёсий ташкилотга айланганлиги тўғрисидаги, ушбу шубҳасиз ютуққа тўғри баҳо бериш, унинг ортида ётган имконият, камчилик ва нуқсонларни кўриш ҳамда уларни таҳлил этишга эртанги кун талаблари нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Чунончи, партия аъзолари сонининг ортиб бориши, умуман, ижобий омил бўлиши билан бир қаторда, партиянинг ўсган куч сифатида, самарали фаолият кўрсатишига, мутаносиб тарзда ижобий таъсир кўрсатмоқда, деб айтиш қийин. Қатор минтақаларда ХДП кенгашларининг суст ишлаётгани, кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятсизлиги сир эмас. Биз бундан тўғри хулоса чиқариб, сон кетидан қувмасдан, **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг юртимиздаги таъсирчан сиёсий кучга айланишига** эришмоғимиз лозим.

Бу ХДП сафларига янги аъзоларни қабул қилишни тўхтатиш керак, дегани эмас. Партия сафларига янги аъзоларни, хусусан ёшларни қабул қилиш ҳам табиий ҳолдир. Фақат бунда энг муносиб фуқароларнигина партиямиз сафларига тортиш зарур, деган қоидага ҳамма жойда риоя қилиш керак. Шунингдек, **тарғибот-ташвиқот, маданий-маърифий ишларнинг асосий қисмини ҳудудий партия ташкилотларида ўтказиш** талаб қилинади. Гулистон шаҳар партия кенгашининг шу соҳадаги ижобий тажрибасини барча партия ташкилотларига етказиш керак.

Шундан сўнг, маърузачи, партияга **аъзолик бадалларини йиғиш аҳволини таҳлил этиб**, ушбу масаланинг ҳам ташкилотларимиз фаолиятини молиялаш учун, ҳам ички партиявий интизомни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини эслатиб ўтди. Шаҳар ва туман партия кенгашлари бу соҳада юзага келган аҳволни чуқур таҳлил этмаяптилар, Қорақалпоғистон республика ҳамда вилоятлар кенгашлари бўлса, уни назорат қилмаётирлар. Бунинг оқибатида, қатор маҳаллий партия ташкилотлари молиявий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу масалага масъулиятсизлик билан қараш ярамайди.

Аъзолик бадалларини йиғиб олишнинг партия бюджетига бевосита алоқадорлигини кўпчилик тушунса-да, бироқ, улар бундан тегишли хулоса чиқармаяптилар. Партиямизнинг 2001 йилги бюджети камомад билан бажарилди. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, кўплаб партия ташкилотлари ХДПга аъзолик бадалларини йиғишда интизомсизликка йўл қўйдилар. Ўзбекистон ХДПнинг 2002 йилги бюджети 2,2 фоиз камомад билан, режалаштирилмоқда. Агар партиянинг молиявий аҳволини яхшилаш масаласига, ҳозиргидек, лоқайдлик билан қараш давом этаверса, партия бюджети камомадининг янада каттароқ бўлиши турган гап. Ваҳоланки, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Санаб ўтилган камчиликларнинг бош сабабини **кадрлар муаммосида** излаш тўғри бўлади, деди пировардида МК биринчи котиби. Кейинги йилларда партия раҳбар кадрлари таркиби бирмунча ўзгарди. Чунончи, охирги тўрт йил ичида ХДП турли даражадаги кенгашлари биринчи котибларидан 149 нафари, ҳар хил сабабларга кўра, янгиланди. Ҳозирги кунда ХДП тузилмаларида, партия кенгашлари котиблари сифатида жонбозлик кўрсатиб ишлаётган ажойиб кадрларимиз билан бир қаторда, партия ташкилотлари раҳбарлигига бошқа соҳалардан келган ғайратли, изланувчан, аммо, партиявий-сиёсий иш тажрибасига етарлича эга бўлмаган, ёш етакчилар ҳам меҳнат қилмоқдалар. Раҳбар ходимларимиз орасида, партия кенгашларида кўпдан бери ишлаб, чарчаб қолган, янгича ишлашни ўргана олмаётган, ташаббуссиз котиблар ёхуд партия ишига тасодифан келиб қолган кишилар ҳам йўқ эмас. Бундан чиқадиган хулоса битта: — раҳбар кадрлар партиямизнинг энг катта бойлиги, деган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, улардан энг муносибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш котиблардан ёрдамни аямаслик, чарчаган ёки партия ишига тасодифан келиб қолганларни истиқболли саркорлар билан алмаштириш даркор. Чунки, бу муаммони ечмай туриб, партия олдида турган тақдиршумул вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

Маруза бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши биринчи котиби А.Асанов, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири А. Ибодинов, Бухоро шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р.Козимова, Термиз туманидаги Алишер Навоий номли 14-ўрта мактаб директори М.Эгамбердиева ва Сурхондарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Эрматовлар иштирок этдилар.

Пленум кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ПЛЕНУМИ

2002 йилнинг 16 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Марказий тафтиш комиссияси раиси С.Ҳ.Аъзамовнинг, 2001 йилда, комиссия томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Пленумда Марказий тафтиш комиссиясининг 2002 йилга иш режаси тасдиқланди.

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ФАХРИЙ ГАЗЕТАЧИЛАРГА БЕПУЛ ОБУНА

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида меҳнат фаолиятини бошлаган Раҳим Муслимов вилоятнинг «Сурхон тонги» газетасида мусаҳҳих ёрдамчиси бўлди. Кейинчалик вилоят газеталари ва босмахонасининг қўшма нашриётида мудирлик қилди. Айни пайтда эса у фахрийлар сафида.

Анна Николаевна Шевцова ҳаётида ҳам газетанинг ўрни катта. Мана ярим асрдирки, у рус тилида чоп этиладиган вилоят газетаси «Заря Сурхана»ни ҳам ўқийди, ҳам ҳамкорлик қилади.

— Умр бўйи матбуот билан ҳамнафас бўлдим. Газетасиз яшай олмайман. Бугун мен ниҳоятда хурсандман. Қўлимда газетага бепул обуна қилинганим ҳақидаги абонент. Ахир, биз фахрийлар ўқиганларимизни невара-чевараларимизга сўзлаб берамиз. Минг раҳмат, — дейди Анна Николаевна.

Яқинда матбуот фаоллари Соҳиб ота Рўзиев, Асад бобо Очилов, Авлиёқул бобо Чориев, Михаил Фозилов ва бошқа ўнлаб уруш қатнашчиларига бир пиёла чой устида вилоят газеталари учун йиллик обуна варақаси тантанали суратда топширилди. Бу тадбир вилоят Матбуот уйида ўтказилиб, унда вилоят газеталарининг муҳаррирлари иштирок этишди. Вилоятимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган оқсоқоллар шаънига вилоят ҳокимининг матбуот котиби Рамазон Ашуров ва матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раиси Даврон Ғуломов лар илиқ сўзлар айтишди.

Аслида «Пахтасаноат», «Сурхондарётранс», «Сурхонматлуботсавдо», «Нефттаъминот», «Пахтабанк», «Сурхонтелеком», «Матбуоттарқатувчи» сингари воҳадаги йирик ташкилотлар Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ёши улуғ авлодни ҳомийлик ёрдами ҳисобидан обуна қилиш бўйича ташаббус кўрсатишганди.

— Матбуотда эълон қилинган ушбу ташаббус жойлардаги меҳнат жамоаларида акс-садо бериб турибди, — дейди ташаббуснинг бошида турганлардан бири Даврон Ғуломов. — Хайрли иш учун дастлабки маблағлар ҳисоб рақамларимизга келиб тушди. Шунинг учун илк обуна қоғозлари ҳам фахрийларимизга топширилди.

Ҳа, март ойи «Газетхон фахрийлар» шиори остида ўтади. Шу ой давомида 250 нусха газетага ёки 1 миллион сўмга яқин фахрийларни обуна қилиш кўзланган.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АКС-САДО

БОЛАЛАР ҲАМРОҲИ КИТОБ БЎЛСИН

(«Китоб ўқийсизми, замондош?» 2002 йил 7 февраль)

Ҳар бир оиланинг ўз кутубхонаси бўлиши керак. Ва шу кутубхона китобларидан унумли фойдаланилсагина, фарзандларимиз дунёқараши кенг, баркамол инсон бўлиб улғаядилар. Назаримда «Фарзандларимизга энг катта совға бу — китобдир», деган ибора гаплигича қолиб кетмоқда. Ахир болалар ўз келажакларини китоблар ёрдамида белгилаб оладилар.

Фарзандларимиз Ватан туйғусини фақат китоб мутолааси орқали теран англайдилар. Улар Алпомишдек садоқатли, Барчинойдек қатъиятли бўлмоқлари учун ушбу достонларни ўқиб чиқмоқлари зарур.

Мен ҳаётимни маорифга бахшида этганман. Яқинда ўғлим Аҳаджонга ўзбек геология фанининг асосчиларидан бири бўлган Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги китобни ўқишга бердим. Мутолаадан сўнг сухбатлашганимда, ундаги ҳайрат ва ҳавас мени қувонтирди. Ўғлим ҳаяжон билан: Мен ҳам академик Ҳабиб Абдуллаевдек геолог бўламан, — деди.

«Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Китоб ўқийсизми, замондош?» сарлавҳали мақолани оиламиз билан бирга ўқиб чиқиб, ғоят долзарб мавзу кўтарилганига гувоҳ бўлдик.

Китоб ҳар бир инсоннинг умр йўлидаги ҳамроҳидир.

■ **Анваржон РАЗЗОҚОВ, Каттақўрғон туманидаги болалар дам олиш уйи директори.**

«НАВРЎЗ САХОВАТИ» ОЙЛИГИ

Қарияларни қадрлаш йилида ёлғиз кексаларга меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида ўтказилаётган «Наврўз саховати» ойлиги давом этмоқда. Бухоро вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, «Бухоронон», «Бухоротекс», «Бухородон» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими жамоаларининг ташаббуси билан 16 март куни вилоятда ҳашар ўтказилди.

Ҳозир вилоятнинг туман ва шаҳарларида кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

БИР ЙЎЛА 126 ДЎКОН

Жиззах вилояти ҳудудидаги савдо шаҳобчаси қаторига яна 126 та дўкон қўшиладиган бўлди. «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси билан «Жиззахсавдо» концерни маъмурияти савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида, аҳолининг талаб-истакларини инобатга олиб шундай қарорга келди.

— Қўшимча дўконларни асосан чекка қишлоқлар ҳамда аҳоли пунктларида очишни режалаштирганмиз, — дейди «Жиззахсавдо» концерни раҳбари Норпўлат Гадоев.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

ТОШКЕНТНИНГ КУМУШ КАМАРИ

ЁКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ УЧУН АСОСИЙ ОБИҲАЁТ МАНБАИ ҲИСОБЛАНГАН БЎЗСУВ КАНАЛИГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўринадики, Тошкент шаҳри ва вилояти табиий сув заҳираларига бой. Гап улардан ўз ўрнида, оқилона фойдаланишда қолган холос. Таассуфки, айни шу масалада

Қибрай тумани ҳудудида аҳоли томонидан сув муҳофаза тегралари шу усулларда эгаллаб олинган.

мутасаддилар томонидан ўзибўларчиликка, хўжасизликка йўл қўйилаётганлиги кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Биз кузатувимизни Қибрай тумани ҳудудидан, тўғрироғи, Бўзсув каналини Қорасув дарёси билан туташтирувчи Байтқўрғон қишлоғидан, халқ тилида «Қизил кўприк» деб аталувчи нуқтасидан бошладик. Ушбу канал тумандаги «Оққавоқ», Қибрай, А. Матқобулов номли қишлоқлар ҳамда Салор шаҳарчаси ҳудудларини оралаб ўтиб, Тошкент сув йўлига қўшилади. Бўзсув ва унинг ирмоқларига турли оқова ва чиқинди сувлар ташланиши ҳақида кўп эшитганмиз. Амалда ҳам шундайми? Мутахассислар иштирокида бу узунқулоқ гапларнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини аниқлашга киришдик. Афсуски, эшитганларимиз кўрганларимиз олдида «ҳолва» экан.

Шундоққина соҳил бўйида чойхона қурилган. Ўнг ва чап томонда пала-партиш, режасиз қурилган дала-ҳовлилар кўзга ташланади. Баъзи жойларда улар Бўзсувнинг қоқ ўртасигача «кириб» борган. Сув юзида тўпланиб қолган чиқиндиларни кўриб таъбингиз хира тортади.

— Бўзсув каналининг Қибрай тумани ҳудудидан ўтувчи қисми 25 километрдан зиёдроқни ташкил этади, — дейди Қибрай тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим бошлиғи Зиёдулла Давлатов. — Сув манбаларини тоза сақлаш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётганига қарамай, бу борада аҳвол ташвишлидир. Марказимиз маҳалла қўмиталари, табиатни муҳофаза қилиш идоралари, Қодрия сув иншооти ходимлари билан биргаликда Бўзсув каналининг муҳофаза зонасини сақлаш, унинг оқова сувлар билан ифлосланишига йўл

Сув заҳираларининг шу кеча-кундуздаги ачинарли ҳолати ҳар бир кишини ўйлантириши табиий.

қўймаслик юзасидан бир талай ишларни олиб бормоқда. Чунончи, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказилди, Қибрай шаҳарчасида яшовчи 35 та хонадон огоҳлантирилди. Турли оқова сувлар ва маиший чиқиндиларни каналга оқизиш ҳолатларига чек қўйилмоқда. «Оққавоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги канализация тармоғи таъмирланди, қонун талабларининг бузилишига йўл қўйган 1 мансабдор шахсга жарима солинди.

Бир қараганда ваҳима қилишга ўрин йўқдек туюлади. Аслида-чи? Қибрай тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тақдим этилган маълумотномадан: «**Ўтган 2001 йилда Бўзсув канали сувининг бактериологик ва кимёвий таркиби ўрганилганида, 29 та сув намунасидан 8 таси санитария талабларига жавоб бермаслиги, 10 та сув намунасида «наг вбриони» (шартли юқумли касаллик қўзғатувчи микроблар) мавжудлиги аниқланган. Шундан келиб чиқиб, даволаш муассасалари, маҳалла қўмиталарига канал сувини фақат қайнатиб истеъмол қилиш, унда чўмилмаслик юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш тавсия қилинган**».

Зеро, «наг вбриони» ўткир меъда-ичак хасталикларини келтириб чиқариши тажрибадан яхши маълум.

Ўйлаб қоласан киши. Бу маълумотнома тегишли идораларга юборилган бўлишига қарамай мутахассислар нега хотиржам? Наҳотки улар сув бўйида ноқонуний қурилган чойхона-ю, ошхоналарни, молхона-ю, товуқхона ва ҳокаларни кўришмаган бўлса?

Бўзсув дарёсини тозалаш учун ажратилган йўлаклар аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан эгалланиб олинган. Сув бўйидаги хонадонлардан чиққан оқова сувлар, турли чиқиндилар тўғридан-тўғри каналга оқизилмоқда. Беихтиёр ўйга толасан: сувни муқаддас билган халқимиз орасида сувнинг уволидан чўчимайдиганлар ҳам бўлса... Сувга, она-табиатга қилинган хуруж жавобсиз қолмайди-ку. Эртами-кечми бунинг жабрини тортмаймизми?

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси **Турғун Эргашев:**

— Бўзсув каналининг эгаси йўқ. Агар сув ёқалаб юрган бўлсангиз, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрган бўлишингиз керак. Хўш, айтингчи, бундай аҳволга фақат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жавобгарми?

Унинг гап оҳангида алам ҳам, жаҳл ҳам бор эди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасини эслашга тўғри келади: «**Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, бу соҳада махсус ваколати бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади**».

— Бўзсув каналининг санитария-муҳофаза тегралари ҳанузгача аниқланмаган, — кулюнади раис. — Бу ҳозирги кунда энг долзарб масала бўлиб турибди. Ҳаттоки, канални механизмлар ёрдамида тозалашнинг ҳам иложи йўқ. Ноқонуний йўллар билан барпо қилинган қурилмалар бунга имкон бермаётир.

Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси раиси Турғун Эргашевнинг эътирозлари ўринли, албатта. Аммо Бўзсув канали теграсида кузатилаётган ташвишли манзара бир кунда содир бўлмаган-ку. Хўш, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят бўлими фақат кузатувчилик қилаяптими, маълумот ёзиш билан ўз вазифамни бажардим, деган кайфиятда қолмаяптими?

Энди бу ёғини эшитинг. Бўзсув каналининг бир қисми Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тасарруфида эканлигини Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Саидмурод Сайдалиев билан қилган суҳбатимиз асосида билиб олдик.

— Мавжуд анҳор ва каналлар сувининг таркиби ва сифати лаборатория таҳлиллари орқали мунтазам назорат қилиб борилмоқда, — дейди бош врач. — Ўтган 2001 йил мобайнида очиқ сув ҳавзаларидан олинган сув намуналаридан 28,9 фоизи бактериологик кўрсаткичлар, 32,5 фоизи кимёвий кўрсаткичлар бўйича санитария меъёрларига жавоб бермаслиги аниқланди. Миробод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур Юнусобод, Собир Раҳимов ва Ҳамза туманларида эса бу рақамлар шаҳар кўрсаткичидан анча юқоридир..

Тўғри, аҳволни яхшилаш, сув манбаларининг тозалигини таъминлаш юзасидан бирмунча ишлар амага оширилмоқда. Чунончи, шаҳар ҳокимининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ҳудудида 2002 йил давридa мавсумий оқова сувларни хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 563-сонли қарори асосида санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари томонидан туманлар ҳудудидан оқиб ўтадиган анҳор ва каналлар бирма-бир назоратдан ўтказилди, сув ресурсларини ифлослантираётган манбалар аниқланиб, уларнинг дислокацияси тузилди.

Бўзсувнинг Байтқўрғон қишлоғидаги «Қизил кўприк» деб аталувчи қисмида қурилган чойхона.

Ҳозирги кунда ҳар бир туман ҳокимлиги қошида санитария-эпидемиология хизмати, ободонлаштириш бошқармаси, БТИ, экология ва тозаликни назорат қилиш муассасаси вакилларидан иборат гуруҳлар тузилган бўлиб, каналлар қирғоқларига ноқонуний қурилган молхона, қўйхона, товуқхона, чўчқахона, ҳожатхона, ҳаммом каби маиший иншоотларни йўқ қилиш, хонадонлардан чиқаётган оқова-фаров, Сирожиддинов, К.Яшин, Баҳодир 1-берк кўчаларида яшовчи аҳоли томонидан Бўржар канали бўйида товуқхона, ҳаммом, молхона, ҳожатхона, Собир Раҳимов туманининг Зарқайнар, Ҳуррият, Сағбон, Уйланиш, Қизил қўшин кўчаларидан ўтувчи Кайковус канали қирғоқларида сувни ифлослантирадиган майда иншоотлар ноқонуний қурилганлиги аниқланди. Кўплаб хонадонларнинг оқова сувлари Кўкча, Чиғатой, Қичқириқ, Қорақамиш каналларига чиқарилмоқда. Бундай мисолларни шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Миробод туманларида ҳам кўриш мумкин.

Санитария-эпидемиология, экология ва тозаликни назорат қилиш хизмати, ободонлаштириш бошқармалари, БТИ идоралари мутахассислари томонидан очиқ сув ҳавзалари қирғоқларига ноқонуний қурилган иншоотларни буздириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш юзасидан аниқ муддатлар белгиланган.

Бу кўрсатмаларни ўз вақтида бажармаган хонадон эгаларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида маъмурий чоралар кўрилмоқда. Чунончи, ўтган 2001 йил мобайнида Собир Раҳимов, Юнусобод, Яккасарой, Миробод, Шайхонтоҳур, Сирғали, Ҳамза туманлари бўйича санитария ва тозалик ҳолатига риоя қилмаган бир қанча хонадон эгаларига тегишли тартибда жарима солинди. Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманлари бўйича 5 та иш кўриб чиқиш ва чора кўриш учун суд идораларига юборилди. Бу тадбирлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунгача Чилонзор туманида 8 та, Сирғали туманида 6 та, Мирзо Улуғбек туманида 11 та, Собир Раҳимов туманида 6 та ноқонуний қурилмалар буздириб ташланиб, мавжуд оқовалар йўқ қилинди, 16 хонадон эгалари 49820 сўм миқдорида жаримага тортилди.

Энди, бир ўйлаб кўрайлик, ахир биз қадим-қадимдан тозалик, озодалик қон-қонимизга сингиб кетган, ҳатто сувга тупуришни ҳам гуноҳи азим ҳисоблаган халқмиз-ку. Наҳот бугунга келиб ўз уйимиз, маҳалламиз, ўз юртимизни тозаозода тутишимиз учун буйруқларга, қарорларга муҳтож бўлсак?!

Кузатувимиз давомида шу нарсага амин бўлдикки, шаҳар аҳолисини 75-80 фоиз истеъмол суви билан таъминлаб турган Бўзсув канали ўзани кундан-кунга қисқариб, торайиб бормоқда. Бу эса мавжуд обиҳаёт манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланишни, Яратганнинг неъмати — сувга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ҳақли савол туғилади: йиллар мобайнида мавжланиб оқаётган дарёларимиз кўз ўнгимизда қуриб бораётганини кўра-била туриб, наҳотки ташвиш чекмасак.

Масалани ўрганиш жараёнида ҳар хил қарама-қарши фикрларни эшитдик, бу масалага матбуотнинг аралашуви кимларгадир ёқмаётганлигини ҳам пайқадик. Бўзсувни қуруқ гап-сўзлар билан тўлдириб ва асраб бўлмайди, дегувчилар ҳам топиляпти. Ҳар ким ўз фаросатига яраша фикрлайди, албатта. Аммо гап инсон учун ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланган сув хусусида кетар экан, жим туришнинг ўзи ҳам гуноҳ эмасми?

Яна бир гапни очиқ айтиш керак. Бўзсувни ифлослантиришда саноатчиларимизнинг ҳам ҳиссаси оз эмас.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси **Юсуф Ражабов:**

— Бўзсув каналининг шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида Тошкент метрополитени, 3-Тошкент марказий иссиқлик станцияси, Тошкент ГЭСи, «Шифобахш булоқ» акциядорлик жамияти, Бўзсув аэрация иншооти сингари қатор корхона ва ташкилотлар жойлашган. Афсуски, улар томонидан тегишли санитария-гигиена қоидаларига баъзи пайтларда риоя қилинмаяпти. Эътиборсизлик ва масъулиятсизлик оқибатида оқова сувлар кўп ҳолларда Бўзсув каналига оқизилмоқда. 2001 йилда ўтказилган таҳлилий текширувлар ичимлик сув таркибида турли ифлосланиш ҳолатларининг ошиб бораётганидан далолат беради. Биз бу хусусда ваколатли идораларни ўз вақтида хабардор қилаяпмиз. Лекин кўп ҳолларда амалий натижа бўлмаяпти.

Сув — бебаҳо бойлик, деймиз. Аслида ҳам шундай. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда умумхалқ бойлиги — сув, газ, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, бу масалада талабчанлик билан иш юритиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Бўржар канали қирғоғидаги ноқонуний қурилмалар.

Тўғри, республикамизда 2001 йилда Чорвоқ сув омборидан Сирдарёгача бўлган 150 километрли ҳудудда ҳимоя зоналари, муҳофаза минтақалари аниқланди, мутасадди ташкилотларга оқар сувни ифлос қилмаслик ҳақида тегишли санитария тавсияномалари берилди. Вилоят бўйича Чирчиқ дарёсидан сув олиш учун 70 та махсус жой белгиланган. 2001 йил мобайнида ўтказилган 1441 та бактериологик текширувдан 207 та ҳолатда сув таркиби белгиланган санитария қоидалари ва меъёрларига жавоб бермаслиги аниқланди. Шаҳар ҳамда туман санитария-эпидемиология хизматлари томонидан бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 52 нафар жавобгар шахсга 327130 сўм миқдорида жарима солинди.

Бизнингча, фақат жарима солиш, жазолаш билан кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бугун бири, эртага бошқаси жазоланавераді. Бунга кўникиш ҳам пайдо бўлади. Энг муҳими, аҳоли ўртасида экологик тарбияни, маданиятни кучайтириш зарур. Токи улар ўз хатти-ҳаракатлари қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаб етишсин. Одамлар онгида она табиатга, ўз юртига меҳр-муҳаббатни кучайтириш лозим. Шу заминнинг ҳар қаричини муқаддас билган киши ҳеч қачон уни хор қилмайди, кўз қорачиғидек асрайди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

***

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар





Бўзсув каналининг Бўржар қисмида аҳоли томонидан ҳар хил чиқиндиларни каналга ташлаш одатий ҳолга айланган.



Бўзсув каналининг Бўржар қисмидаги аянчли манзарани кўриб турибсиз.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Нақл қилинишича, моддий дунё уч асосий унсур — сув, ҳаво, қуёшдан таркиб топган. Инсон ҳаётини, табиат гўзаллигини, тириклик рутбасини уларсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Сиз билан биз ҳар куни, ҳар сония сувга эҳтиёж сезиб яшаймиз. Ушбу илоҳий неъмат ҳақида истаганча таърифу тавсиф келтириш мумкин. Ёнимиздан жимгина оқаётган обиҳаёт эса мақтовлардан кўра эътиборни кўпроқ талаб этади. Илло, тежалмаган жойда ҳар қандай бойлик ҳам беқадр.

Биз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун асосий обиҳаёт манбаларидан бири ҳисобланган Бўзсувнинг аҳволи, унга муносабат ҳақида маълумот ва мулоҳазаларни баён қилдик холос. Ўйлаймизки, мақолада кўтарилган масалалар мутасадди ташкилотларни эътиборсиз қолдирмайди.

Шунингдек, ушбу муаммо хусусида газетхонларнинг ҳам фикрларини кутамиз.

ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Биз ҳамиша тинчлик ва дўстликни ардоқлаб келган халқмиз. Мустақил юртимиз завқу шавқ билан кутиб олаётган Наврўз арафасида буюк Ўзбекистонимиз овози қитъалар оша баралла янграб, бани-башарни аҳиллик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват этди.

Қалбларимиз ифтихор туйғуларига тўлди.

Донъинг сира сўнмагай, жонажон Ўзбекистон!
Наврўз барча ҳамюртларимизга муборак бўлсин!

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Меҳнатсевар Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, юртимизга ташриф буюрган барча азиз меҳмонларни гўзал баҳор айёми —

НАВРЎЗ

билан чин юракдан табриклайди!

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

«Пахта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви

«ШАҲРИСАБЗ-КОНСЕРВА»

очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни қадриятларимизни улуғлайдиган НАВРЎЗ билан қутлайди.

Маълумки, баҳор — яшариш, гўзаллик фасли. Шу билан бирга деҳқонларимиз учун меҳнат фасли. Бободеҳқонларимиз корхонамиз учун хомашё етиштиришга киришадилар. Шу боис ҳам ушбу қутлуғ кунларда уларга омадлар тилаймиз.

ЮРТИМИЗ ОСМОНИ ТИНЧ, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!



BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ









Халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган серқуёш Ўзбекистон халқини баҳор ва янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён ўтган ўн йил мобайнида улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон нафақат МДҲ мамлакатларини, балки ривожланган хорижий давлатларни ҳам ўз иқтисодий салоҳияти билан ҳайратга солмоқда.

Компаниямиз жамоаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси ҳамда Японияниг дунёга машҳур «Мицубиси корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида Ўзбек — Турк — Япон инвестициялари ҳисобига бунёд этилаётган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасини Наврўз олдидан фойдаланишга топшириш арафасидамиз.

Мазкур қўшма корхона ишга тушгач, 4800 тонна тароқланган ип-калава ва 2000 тонна трикотаж матоси хорижга экспорт қилинади. Ундан ташқари Чиноз туманида барпо қилинган йилига 5300 тонна ип-калава ва 2500 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси ҳам ҳамкорлигимиз самарасидир.

Юксак маррага эришиш учун барча куч ва имкониятга эгамиз.

Азал-азалдан қадимий ва навқирон Наврўз тинчлик, дўстлик, аҳиллик ҳамда қут-барака рамзи бўлиб келган.

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУТЛУҒ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАР ЭКАНМИЗ, БАРЧАГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ДАСТУРХОНИ ҲАМИША ТЎКИН БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ!

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

ДОШҚОЗОНДА СУМАЛАК ҚАЙНАР...

Наврўз эшик қоқяпти. Тараддуд қизғин. Дам олиш кунлари кимнинг қўлига қараманг — бир боғлам кўчат, мевали дарахт ё атиргул ниҳоллари. Эшик олдидаги кафтдек ерга ҳам райҳон, ўсма, хиногулларнинг уруғи тушди...

Аёлларнинг иши кўпайган — сумалак мавсуми.

— Ҳой, овсинжон, ўтган йил шу кунлар пиширган эдик-а, сумалакни, — қўшни аёлнинг ёдига солади улардан бири.

Кейин икков-учовлашиб, маслаҳат бошланади: яхши буғдойни қаердан олиш мумкин, ким кўкартиради, қайси хонадонда пиширилади... Албатта, сумалак пишириш учун маҳалладаги энг ибратли, тотув оила танланади, ана шунда сумалак баракали, ширин чиқади...

Буғдой майсаси етилгач, эрта тонгдан сумалак пишадиган хонадон тўйхона тусини олади: болалар сув ташийдилар, қиз-келинлар буғдойни эзиб, ширасини олишади, онахонлар эса бош-қош бўлиб туришади. Кўпгина бекалар ирим қилиб, хонадонларида сумалак пиширишади, чунки тўй тўйга уланиб кетади, кўп ўтмай бу хонадондан чақалоқ йиғиси эшитилади ё остонадан ширингина келин кириб келади. Ахир сумалак қозони атрофида қилинган дуолар ижобат бўлади-да...

Сумалак мавсуми билан маҳалламиздаги Зевар опанинг ҳам тиғиз кунлари бошланади. Зевар Алламуратова ўқитувчи. Пиширган сумалаклари элнинг оғзига тушгандан сўнг маҳалладошлар илтимос қилиб туришади: Зеваржон, бу йил ҳам ўзингиз бош бўлинг, деб. Ҳар мавсумда нечта сумалакка бош бўлганини Зевар опа ҳисоблаб кўрмаган, чунки савоб ишни ҳисоб-китоб қилишга ҳожат йўқ.

Ҳар бир устознинг ҳам ўзига хос иш услуби, сирлари бўлади. Шунинг учун Зевар опадан хоразмча сумалак пиширишнинг «рецепти»ни олиб, газетхоналаримизга илиндик. Дарвоқе, Хоразмда сумалакка ёғ солишмайди.

Сумалак кўпчилик билан пишадиган ва кўпчилик билан ейиладиган таом, шунинг учун у оз миқдорда пиширилмайди. Оз миқдордагиси ширин ҳам чиқмайди — дарров қиёмига етиб, таомда майсанинг тахирроқ таъми қолиши мумкин.

10 килограмм сара буғдойни яхшилаб ювиб, икки тоғорага бўлиб, буғдой ботгунча сув қуйинг. Шу ҳолича бир кеча қўйинг. Эртасига буғдойларни ош тахта устига 3-4 сантиметр қалинликда ёйиб чиқинг. Оштахтани қиялатиб қўйиб, ҳар икки соатда сув сепиб туринг. 4-5 кун ичида буғдой майсаси тайёр бўлади. Кейинги бир кечада буғдойга сув сепманг — шунда у ажриқ боғлайди. Ажриқ туфайли буғдой сершира бўлади. Буғдой майсаси оқ пайтида тайёр ҳисобланади, яшилланса, тахир таъми бўлади.

Сумалак пиширишга эрта тонгдан киришинг. Майсани бўлакларга бўлиб, гўштқиймалагичдан чиқарилади. Эзилган майса сувга солиниб, докада сузилади. Бу — биринчи шира. Шу ширанинг 20 литрини чеккага олиб қўйинг, қолганини қиздириб, ёғ сурилган катта дошқозонга қуйинг (50-60 литр микдорида шира). Майсани иккинчи марта гўштқиймалагичдан чиқариб, яна шираси олинади, 10 килограмм буғдой ширасига 30 килограмм ун солиш мумкин. Унни ширага аста-секин солиб, қўл билан аралаштирилади. Аста-секин олов ёқишни бошласа ҳам бўлади. Аталада қумоқлар қолмасин.

Сумалак қайнаб чиққандан кейин бир маромда олов ёқилади. Қозон ковлаб турилади. Бу орада буғдой майсаси учинчи марта гўштқиймалагичдан чиқарилиб, шираси сузиб олинади. Қозондаги масаллиқ қуюлиб, ранги қизаргандан кейин иккинчи ширани қуясиз (20 литр бўлса етади). Яна қайнаб қуюқ тортгандан кейин учинчи ширани қуясиз. Унга чеккага олиб қўйган биринчи ширани ҳам қўшинг. Масаллиқ яна қайнаб қуюлгач, тўртинчи марта 20 литр оддий сувни қуйиб қайнатинг. Оддий сув таомда қолган тахир таъмни олади ва рангини тўқлаштиради. Сўнг яна сув қуйилади ва қуюлгунича қайнатилади. Сумалак тайёр бўлганини, таомнинг ўртага интилиб қайнашидан биласиз.

Сумалак пишириш узоқ давом этадиган жараён. Ишни эрта тонгдан бошласангиз, соат 11 ларга қозон тагига олов ёқишга улгурасиз ва кейинги куни тонгги соат 4-5 ларда сумалак тайёр бўлади. Сумалак тайёр бўлгандан кейин 2-3 соат давомида ёғоч қопқоқ билан бекитиб, дамлаб қўйинг. Ана шундан кейингина сумалак улашилади.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

СПОРТ

«ТЕМИРЙЎЛЧИ» НОМИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Ўтган шанба куни мамлакатимизнинг етти шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон XI миллий чемпионати расман очилди. Хабарингиз бор, бу йил олий лига учрашувларида ўн олти жамоа иштирок этади. Мавсумнинг яна бир янгилиги шуки, кучлилар сафига қайтган Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси ўз номини ўзгартирди. Бунга Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик компаниясининг жамоага ҳомийликдан воз кечганлиги сабаб бўлди. Энди футбол клуби «Қўқон-1912» деб номланади. Янги номнинг эса ўзига хос рамзий маъноси бор. Чунки илк ўзбек футбол жамоаси бундан роппа-роса 90 йил муқаддам айнан Қўқонда тузилганди.

Дастлабки турнинг марказий учрашувлари Тошкент ва Қарши шаҳарларида бўлиб ўтди. Пойтахтимизда «Трактор» футбол клуби миллий терма жамоа асосини ташкил этувчи пахтакорчиларни қабул қилган бўлса, Қашқадарёда ишқибозлар ўтган мавсум бронза ва олтин медаллари соҳибларининг муросасиз баҳслари гувоҳига айланишди. «Трактор»—«Пахтакор» учрашувининг ишқибозларда нечоғли қизиқиш уйғотганлигини ўйингоҳга одатдагидан кўп мухлис ташриф буюрганлигидан ҳам сезса бўлади. Беш минг кишига мўлжалланган тракторсозлар ўйингоҳида шиддатли кечган баҳсни ўша куни етти мингдан ортиқ томошабин кузатди. Гарчи, учрашув тўпларга бой бўлмаган эса-да, барчада илиқ таассурот қолдирди. Ўйиннинг 30-дақиқасида мезбонлар ярим ҳимоячиси Жапарқуловнинг кутилмаганда ўз дарвозасини нишонга олиши «Пахтакор»га илк ғалабани туҳфа этди.

Қаршида эса бир ҳафта олдин чемпионатнинг кўчирилган 3-тур учрашувида «Металлург»ни доғда қолдирган «Насаф» бу гал ҳам ишончли тўп сурди. Кўтаринки кайфиятда майдонга чиққан мезбонлар биринчи бўлимдаёқ «Нефтчи» дарвозабонини икки бор тўпни дарвоза тўридан олиб чиқишга мажбур этдилар. Аввалига «Насаф» ҳужумчиси Ойбек Усмонхўжаев ҳисобни очган бўлса, сўнгра 33-дақиқада унинг жамоадоши Баҳром Ҳайдаров ғалабани мустаҳкамлади. Учрашувда 2:0 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Ушбу турнинг қолган баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Д» — «Машъал» — 2:1, «Бухоро» — «Навбаҳор» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Андижон» — 2:1, «Зарафшон» — «Металлург» — 0:0, «Қизилқум» — «Қўқон-1912» — 3:0, «Дўстлик» — «Сурхон» — 3:1.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг «ALLOMA BIZNES» хусусий фирмаси фаолияти бўйича белгилаган қарорига асосан бу фирмани банкрот деб тан олиш бўйича иш қўзғатилган.

Шу муносабат билан Давлат солиқ назорати идорасида 20 март куни соат 11.00 да кредиторларнинг дастлабки йиғилиши бўлади.

Барча манфаатдор шахслар ушбу телефон орқали мурожаат этишлари мумкин: 54-38-64.

Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши «Толариқ» маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби

Рустам Аҳметович САФАРОВ

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси МҚ компания раисининг ўринбосари Д. Ҳ. Раҳимовга акаси

Маҳкам Ҳакимжонович РАҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«БУХОРОТУРИСТ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қадимий ва шукуҳли Наврўз байрами муносабати билан қизғин мубораквод этади!

Юртимиз осмони тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошланди!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль ўйинда иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши (конференцияси) 2002 йил 19 апрель куни соат 10.00 да жамиятнинг маъмурият биносида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2001 йилдаги молиявий хўжалик фаолияти якунлари ва 2002 йил режаларининг асосий йўналишлари тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор текшируви ва йиллик баланси тасдиқлаш тўғрисида.
4. 2001 йилдаги фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тартибларини тасдиқлаш.
5. ОАЖ аудиторини тасдиқлаш.
6. Кузатув Кенгаши қабул қилган қарорларни тасдиқлаш тўғрисида.
7. ОАЖ Кузатув Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
8. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш.
9. ОАЖ Уставига ўзгартиришлар киритиш.
10. Бошқа масалалар.

Маълумотлар учун телефонлар: 53-63-25, 53-52-44.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 24.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA